**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD29.11.2017.San.54.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**

**ЭРГАШЕВА ЧИНОРА ЭРГАШ ҚИЗИ**

# ЎЗБЕК КАСБИЙ МУСИҚАСИДА НАЗИРА АНЪАНАЛАРИ
## (“Ушшоқ” намуналари мисолида)

**17.00.02 – Мусиқа санъати**

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**УЎК:784.(575.1)**

**Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по искусствоведению**
**Content of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD) on art history**

**Эргашева Чинора Эргаш қизи**
Ўзбек касбий мусиқасида назира анъаналари
(“Ушшоқ намуналари мисолида”) .....3

**Эргашева Чинора Эргаш кизи**
Традиции назира в узбекской профессиональной музыке
(На примере образцов “Ушшок”) .....23

**Ergasheva Chinora Ergash-kizi**
Nazira traditions in Uzbek verbally-professional music (on the example of “Ushshok”works/samples) .....45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**
Список опубликованных работ
List of published works .....49

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.29.11.2017.San.54.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**

**ЭРГАШЕВА ЧИНОРА ЭРГАШ ҚИЗИ**

# ЎЗБЕК КАСБИЙ МУСИҚАСИДА НАЗИРА АНЪАНАЛАРИ
## (“Ушшоқ” намуналари мисолида)

**17.00.02 – Мусиқа санъати**

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.PhD/San42 рақами билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат консерваториясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифада www.konservatoriya.uz манзилига ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида www.ziyonet.uz. манзилига жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий раҳбар:** | **Иброҳимов Оқилхон Акбарович**<br>санъатшунослик фанлари доктори |
| **Расмий оппонентлар:** | **Низамов Аслиддин**<br>санъатшунослик фанлари доктори |
| | **Мухтарова Флора Шаахмедовна**<br>санъатшунослик фанлари номзоди, профессор |
| **Етакчи ташкилот:** | **Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти** |

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.29.11.2017.San.54.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “_____” куни соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхотоҳур райони, Олмазор кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871)239-46-53; факс: (99871) 244-53-20; E-pochta: info@konservatoriya.uz.

Диссертацияси билан Ўзбекистон давлат консерваториясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100027, Тошкент, Шайҳонтоҳур райони, Олмазор кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871)239-46-53.

Диссертация автореферати 201 йил “_____” куни тарқатилди.
(201 йил “____” _____даги _____рақамли реестр баённомаси).

**Т.Б.Ғофурбеков**
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси, санъатшунослик фанлари доктори, профессор

**Г.А.Турсунова**
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш котиби, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент

**Р.Ю.Юнусов**
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, санъатшунослик фанлари номзоди, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кун мусиқашунослигида Ўрта аср Шарқ мусулмон оламида юзага келган мақом тизимларининг назарий асослари ва кўп асрлик ижодий-ижрочилик анъаналарини илмий тадқиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки бу мумтоз анъаналарда улуғ аждодларнинг салоҳияти билан яралган ҳамда устозлар силсиласи билан узвий давом этиб келаётган ҳаётбахш бадиий қонуниятлар мужассамдир. Бугунги кунда мумтоз мусиқий қадриятларнинг туб асосини белгиловчи бу анъаналар тарихини ўрганиш, уларнинг мақом туркумларини юзага келтиришдаги моҳияти ва мақом услубидаги намуналарни ижод этилишидаги ўрнини аниқлаш масалалари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон мақомшуносларининг тадқиқотларида ўзбек ва тожик халқларининг нуфузи ниҳоятда юқори мумтоз мусиқаси – Шашмақом, шунингдек, Хоразм мақомлари ва Фарғона – Тошкент мақом йўлларининг шакл тузилиши, ички қонуниятлари ва ижрочилик анъаналарининг хусусиятлари ёритилган. Бироқ бастакорлик ижодиётида қарор топган ҳамда мақом санъати имманент (ички) қонуниятларининг алоҳида куй ва айтим кўринишларида ҳам намоён бўлишида катта аҳамият касб этган назира сингари ижодкорлик анъаналари ҳанузгача махсус тадқиқот даражасида ўрганилмаган. Бинобарин, мумтоз мусиқа намуналарининг моҳиятини англашда муҳим ўрин тутган назира ва унинг мусиқа амалиётида турлича намоён бўлиш шаклларини атрофлича илмий тадқиқ этиш – мусиқашунослигимизнинг долзарб муаммолардандир.

Миллий қадриятлар шиддат билан қайта тикланаётган бугунги кунда мустақил Ватанимизда аждодлардан мерос бўлиб келаётган ва ҳозирда яратилаётган мумтоз наволарни кенг тарғиб қилиш учун қулай фурсат юзага келди. Мақом ва мақом услубидаги асарларни энг илғор илмий методлар асосида тадқиқ қилиш ва олинган натижаларни амалиётга самарали жорий этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар эса Ўзбекистон Республикасининг маданият ва санъат сохаларини ривожлантириш борасида алоҳида мавқеъ касб этади. “Агар биз санъатни, маданиятни кўтармоқчи бўлсак, аввало мумтоз мақом санъатини кўтаришимиз керак. Мақом оҳанглари, мақом руҳи ва фалсафаси ҳар бир инсон қалбидан, аввало, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг онги ва юрагидан чуқур жой олиши учун бор имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур”[1]. Демак, бу борада мақом ва мақом услубида яратилган мумтоз намуналарни илмий тадқиқ қилиш, эришилган натижаларни таълим тизими ва мусиқа амалиётида унумли қўллаган ҳолда кенг омма орасида тарғиб қилиш бугунги кун талаби бўлиб турибди.

[1] Ш.Мирзиёев. Дилларни дилларга, элларни элларга пайванд этадиган санъат. // Халқаро мақом санъати анжуманининг очилиш маросимидаги нутқи. Халқ сўзи, 7 сентябрь, 2018 й. – Б.1.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 20 ноябрдаги ПҚ-2435-сон “Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3178-сон “Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, ҳамда 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ-3391-сон “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида белгиланган муҳим вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.**Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан 2003 йили инсоният номоддий маданий меросининг дурдонаси сифатида эътироф этилган “Шашмақом” бадиий анъаналари жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва таниқли олимлари томонидан атрофлича ўрганилган. Хусусан, Ю.Эльснер[2], А.Низомов[3], А.Юнг[4], Н.Нуржонов[5], Ф.Азизова[6] ва А.Абдурашидовларнинг[7] тадқиқотларида “Шашмақом”нинг шаклий тузилмалари, мавзу-маънолари, лад асослари ва ижрочилик анъаналари ёритилган.

Ўзбек мусиқашунослигида мақом санъатига доир назира анъаналари ҳақида И.Ражабов, Т.Визго, Т.Ғофурбеков, А.Назаров, О.Иброҳимов, Р.Юнусов, О.Матёқубов ва С.Бегматовларнинг илмий ишларида қимматли фикрлар баён этилган. Бу борадаги энг эътиборли илмий маълумотларни И.Р.Ражабовнинг тадқиқотларида кўрамиз. Хусусан, атоқли мақомшунос олим Шашмақом туркумининг иккинчи гуруҳ шўъбалари яратилишида айнан назира анъанаси муҳим ўрин тутганлигини аниқ мисоллар билан илк бор далиллаб берган ҳамда мусиқада назира моҳиятини англашда муҳим кўрсатмаларни баён этган[8].

---

[2] ElsnerJ.Ets. Maqam (Historical Traces and Present Practicesin Southern European Musical Traditions). Cambridge Scholars Publisher. 2014.

[3] Низамов А. История и теория Шашмакома. – Душанбе: Адиб, 2003.

[4] Jung A. (Hg). Der Shashmaqam aus Bukhara/ Uberliefert von den aiten Meistern notiert von Ari Babakxanov. Verlag Hans Shiler, Berlin. i. Auflage 2010.

[5]Нурджанов Н. Шашмаком и таджикская хореография Бухары в конце XIX – начале XX века. // В сборнике материалов международного музыковедческого симпозиума. – Ташкент: ГИЛИ. 1981.С. 62-64.

[6] Азизова Ф. Исторические взаимосвязи индо-таджикских музыкальных традиций. Шашмаком и рага (Краткий компаративистский анализ). – Душанбе, 1999. 168 с.

[7] Абдурашидов А. О значении термина “Шашмаком”. // Сборник материалов конференции, посвященной Шашмакому. – Израиль, 2016. С. 98-99.

[8] Ражабов И. Мақомлар (нашрга тайёрловчи ва махсус муҳаррир О.Иброҳимов). – Тошкент: Санъат, 2006. Б. 244, 245, 252, 254 б.

Т.Визго мақолаларида назира эстетикаси мусиқа ижодкорлиги (бастакорлик) қаторида ўрта асрларда қарор топган мусиқа илми анъаналарида ҳам намоён бўлгани ҳақидаги фикр илгари сурилган[9].

Т.Ғофурбеков бадиий назира ҳодисасини ижодий услуб сифатида баҳолайди ва мазкур услуб дастлаб адабиёт соҳасида намоён бўлиб, сўнгра унинг айрим қирралари мусиқа ижодиётида ҳам кузатилишини қайд этади ҳамда бунга Шашмақом Савтларининг яратилиш қоидаларини мисол сифатида келтиради[10].

А.Назаров "Форобий ва Ибн Сино мусиқий ритмика хусусида" номли илмий монографиясида мумтоз ийқоъ масаласини тадқиқ этаркан, "асарларнинг ритмик ривожланишида назира принципи асосий омил" бўлганлиги ҳақида илмий хулосага келади[11].

О.Иброҳимов назира анъанасининг Шарқ мумтоз мусиқасида тутган ўрнини эътироф этиб, мусиқа амалиётида қадимдан келаётган маълум оҳанг-формулалари замирида яратилган асарларда ҳам назирага ўхшаш тамойил борлигини таъкидлайди[12].

Р.Юнусов бастакор Ф.Содиқов "мусиқа меросимизнинг битмас-туганмас бойликлари негизида, жумладан, қўшиқ, ашула, катта ашула, ялла, лапар, куй, мақом шўъбалари, шохобчалари, тароналарига таянган ҳолда ниҳоятда баракали ижод" қилгани ҳақида ёзади"[13].

О.Матёқубовнинг "Мақомот"[14] номли монографиясида назира анъанаси махсус масала тарзида алоҳида ёритилмаган бўлса-да, лекин назиранинг Шарқ мусиқасида намоён бўлишига оид умумий тушунча бериб ўтилган.

Шунингдек, С.Бегматовнинг "Ушшоқ" номида эълон қилинган мақоласида ҳам ўрганилаётган мавзу бўйича эътиборли маълумотлар бор. Муаллиф машҳур санъаткорлардан Содирхон ҳофиз ва Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедовларнинг "Ушшоқ" номли асарларини қиёсий таҳлили давомида бу намуналар Шарқ халқларида маълум "назира" услуби асосида ижод этилганлигини таъкидлайди[15].

Юқорида номлари келтирилган мусиқашуносларнинг илмий ишларида назиранинг мусиқадаги айрим қирралари ёритилган бўлса-да, бироқ махсус тадқиқот объекти сифатида яхлит ҳолда тадқиқ қилинмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

---

[9] Визго Т. К вопросу об изучении макомов. // История исовременность. Проблемы музыкальной культуры народов Узбекистана, Туркмении и Таджикистана. – Москва, 1972. С. 396.
Визго Т. Об одном эстетическом принципе средневекового Востока. // Профессиональная музыка устной традиции народов Ближнего, Среднего Востока и современность. Материалы Международного музыковедческого симпозиума. – Ташкент, 1981. С. 195-198.

[10] Гафурбеков Т. Фольклорные истоки узбекского профессионального музыкального творчества. – Ташкент: Ўқитувчи, 1984. С. 8.

[11] Назаров А. Форобий ва Ибн Сино мусиқий ритмика хусусида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. Б. 15.

[12] Ибрагимов О. Фергано - Ташкетские макомы. – Тошкент: MEDIA LAND, 2006. С. 17.

[13] Юнусов Р.Ю. Фахриддин Содиқов. – Тошкент: UNESKO, 2005. 101-102 б.

[14] Матякубов О. Мақомот. – Тошкент: Мусиқа, 2004. 400 б.

[15] Бегматов С. Ушшоқ (Содирхон ҳофиз ва Юнус Ражабий талқинларида). // Ражабийхонлик. Илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 1994. Б. 32-39.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Миллий ва жаҳон мусиқа санъати соҳасида профессионал кадрлар тайёрлашнинг илмий-ижодий принциплари” ва “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси” кафедрасининг “Мақом санъати тарихи, назариясини ўрганиш ва ёш авлодни мақомлар руҳида тарбиялаш” номли илмий тадқиқот мавзулари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** назира анъаналарининг ўзбек миллий мусиқаси ривожидаги ўрни ва бастакорлик ижодиётида ўзига хос намоён бўлиш шаклларини тизимли ёритиш ва ҳозирги ўзбек маданиятидаги аҳамиятини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мусиқада назира анъаналарини юзага келтирган тарихий омилларни аниқлаш;

“назира” атамасига маънодош бўлган “пайрав”, “тавр” каби сўзлар маъно-моҳиятини мусиқада намоён бўлишини ёритиб бериш;

“Ушшоқ” номли намуналар (“Зикри Ушшоқ”, “Қадимги Ушшоқ”, “Умурзоқ полвон Ушшоғи”)нинг асл манбаларини аниқлаш ва уларнинг “асл-назира” ҳолатларини асослаб бериш;

Мақомот (Шашмақом, Хоразм мақомлари, Фарғона – Тошкент мақом йўллари) таркибидаги “Ушшоқ”ларнинг парда-оҳанг негизларини қиёсий таҳлиллар асосида аниқлаш ва бу намуналарда инъикос этган бадиий назиранинг турлича аҳамиятини ёритиб бериш;

бастакорлик ижодиётига оид “Ушшоқ” намуналари (“Содирхон Ушшоғи”, “Самарқанд Ушшоғи”, “Тошкент Ушшоғи” ва б.)да ижодий назира анъаналарининг янги қирраларини илмий асослаб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида назира эстетикаси, унинг негизида шаклланган мусиқий анъаналар ва бастакорликдаги муайян ижодий услублар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** мақом туркумлари ва мақом услубида бастакорлар томонидан яратилган “Ушшоқ”лар шаклу шамойилида ижодий назиранинг сержиҳат (парда-оҳанг, ритм-усул, ривож тамойиллари ва б.) намоён бўлиш жараёнларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация мавзусини ёритишда тарихий-қиёсий, назарий, мажмуавий, контекстуал таҳлил усуллари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

назира эстетикасининг миллий мумтоз мусиқада “намуна-ўхшатма” услуби юзага келишидаги муҳим ўрни ва шу асосда бастакорлик ижодиётида яратилган “Ушшоқ” намуналари аниқланган;

назира эстетикасининг мусиқа рисолалари мазмунида акс этиши аниқ мисоллар билан асосланган;

Ўн икки мақом тизими, Шашмақом ҳамда Хоразм мақомлари ва Фарғона – Тошкент мақом йўллари таркибидан ўрин олган Ушшоқ намуналари ижодий назира асосида яратилганлиги исботланган;

XIX – XX асрларда бастакорлар томонидан яратилган “Ушшоқ”лар қадимдан келаётган шу номли мумтоз намуналарнинг ижодий кўринишлари эканлиги даллиланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўзбек касбий мусиқасида назира анъаналарини ўрганиш натижасида олинган хулосалар ўзбек мусиқашунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар берди;

мусиқий мерос намуналарини таҳлил этиш натижасига кўра назира эстетик қоидалари ўзбек анъанавий мусиқаси моҳиятини англаш борасида услубий асос эканлиги аниқланди;

олий таълим муассасасалари, академик лицей, коллеж ва умумтаълим мактабларида ўзбек миллий мусиқасини ўрганишда ёрдамчи адабиёт бўлиши, шунингдек, “Ўзбек мусиқаси тарихи”, “Мақом асослари”, “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси” каби фанларга доир дарслик ва қўлланмаларни яратишда маълумотлар манбаи бўлди;

ўзбек анъанавий мусиқаси, мақомот тизими ва мақом услубидаги назира намуналарини оммавий ахборот воситаларида тарғиб этишда услубий қўлланма бўлди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** олинган хулосаларнинг тарихий қиёслаш, тавсифлаш, мусиқашунослик таҳлили каби усуллар билан асослангани, назира анъаналари моҳиятини очиб беришда ўтмиш ёзма манбалари қаторида “устоз-шогирд” тамойилларига таянилгани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти – назарий хулосалар ҳозирги кунда ўзбек мусиқашунослигининг алоҳида тармоқлари бўлган мақомшунослик ва мусиқий манбашунослигида мавжуд маълумотларни кенгайтиради ва тўлдиради, театршунослик, тасвирий ва амалий безак санъати каби санъатшунослик сохаларида ҳам назира бадиий моҳиятини теран англаш ва янги тамойил асосида тадқиқ қилиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти – олинган хулосалар миллий мумтоз мусиқанинг бадиий ифода воситалари ва қонуниятларидан ижодкорлик ва ижрочилик соҳаларида самарали фойдаланиш, шунингдек, ўзбек мусиқасига оид фанлар бўйича дарслик, ўқув қўлланма ва атамалар луғатининг мукаммаллашувига ҳамда бадиий назиранинг мусиқий асосларини яратишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек касбий мусиқасида назира анъаналари (“Ушшоқ” намуналари мисолида) тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бастакорлик ижодиёти ва унда назира қирраларининг намоён бўлиши, анъаналари ва намояндалари ҳақида олинган натижалар “Ўзбек мусиқаси тарихи” (II жилд) дарслигининг “XX аср 20 – 40 йилларида маданий-мусиқий ҳаёт” деб номланган 2-мавзусида фойдаланилган (Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 4 июлдаги 89-02-1660-

сон маълумотномаси). Натижада, талабалар мумтоз мусиқий қадриятлар ҳамда бастакорлик ижодиётининг тарихий ва назарий масалалари ҳақида аниқ билимга эга бўлганлар;

Шашмақомдаги Ушшоқ намуналари назира ижодий анъаналар асосида яратилганлиги ҳақида олинган натижалар Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Маданият ва маърифат” давлат унитар корхонасининг “Мақом алифбоси” телекўрсатуви орқали эфирга узатилган “Шашмақом таркибидаги Ушшоқ йўллари” мавзуси очиб берилишида фойдаланилган (Ўзбек миллий мақом санъати марказининг 2018 йил 30 майдаги 101-сон, Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2018 йил 11 июндаги 02-14/325-сон маълумотномалари). Пировардида телетомошабинлар Шашмақом таркибидан ўрин олган Ушшоқлар хусусида муҳим маълумотларга эга бўлди;

назира анъаналари мусиқа рисолалари мазмунида, мақом туркумларида, бастакорлар яратган мумтоз намуналарда намоён бўлиши ҳолатлари ҳақида олинган натижалари “O‘zbekiston 24” телерадиоканали” давлат унитар корхонасининг “O‘zbekiston 24” радио тармоғи орқали эфирга узатилган “Фан” эшиттиришида муҳим фикрлар билдирилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2018 йил 4 июлдаги 03-09-683-сон маълумотномаси). Радиотингловчилар шу асосда мусиқа санъатидаги назира анъаналари ҳақида муайян тасаввурга эга бўлдилар;

назира эстетикасининг миллий мумтоз мусиқада “намуна-ўхшатма” услуби юзага келишидаги муҳим ўрни ва шу асосда юзага келган Ушшоқлар ҳақида олинган натижалар OXUS Culture ҳамда Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси ҳамкорликда ўтказган Биринчи “Шашмақом” фестивалининг 9 февраль санасидаги концерти ҳамда Кириш сўзи тайёрланишида фойдаланилган (OXUS Culture масъулияти чекланган жамиятнинг 2018 йил 26 июндаги 32-сон маълумотномаси). Фестивальда ҳозир бўлган тингловчилар Шашмақом Ушшоқлари ҳақида муфассал илмий маълумотга эга бўлдилар.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг PhD докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, шулардан 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган бўлиб, умумий ҳажми 134 саҳифадан иборат. Диссертацияга нота намуналари илова қилинган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот масалалари шакллантирилиб, танланган мавзу ва унинг ҳозирги замон санъатшунослик илм-фани тараққиётида долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Ўзбек анъанавий мусиқасида назира эстетикаси”** деб номланган биринчи бобида назира анъаналари Шарқ мусулмон маданиятининг пойдевор асосларидан бирини ташкил этиши ва шу асосда санъат соҳаларида муайян эстетик тизим шаклланганлиги ҳақида фикр юритилади. Бу тизим фанда “ўхшашлик (назира) эстетикаси” номи билан маълум бўлиб, унинг мазмунида ўрта аср санъатларида қарор топган меъёрий қонун-қоидалар ва уларга ижодий таяниб асарлар яратилиши назарда тутилади[16].

Мутахассисларнинг эътирофича, Шарқ санъатининг қадимий ва ўрта асрларга оид даврларини ўрганиш жараёнида жанр, тимсол, даврнинг умумий услуби каби ниҳоятда муқим ва барқарор бадиий ҳолатларга дуч келинмоқда. Бундай ҳодисалар Европа маданиятида “канон” (“бадиий канон”) тушунчаси билан изоҳланади. Бадиий канондан кўзланган мақсад эса эстетик идеал ҳосил қилишдир[17]. Ана шундай эстетик идеални маълум модель қолипларида мужассам этган бадиий канон яратилажак асар учун ўзига хос андоза бўлиб хизмат қилган.

Мутахассислар назиранинг бадиий ижодиётдаги лойиҳасини “канон-импровизация” (“барқарор-эркин”), “модель-бадиҳа”, “инвариант-вариант” жуфтликлар нисбатида тавсифлайдилар[18]. Бунда биринчи ўринда

---

[16] “Эстетика тождества” – Плахов Ю.П. Художественный канон в системе профессиональной восточной монодии. – Ташкент: Фан, 1988. С.12.
Шахназарова Н. Музыка Востока и музыка Запада. – Москва: Сов.композитор, 1983. С. 87.
Визго Т. К вопросу об изучениимакомов. // История исовременность. Проблемы музыкальной культуры народов Узбекистана, Туркмении и Таджикистана. – Москва: Музыка, 1972. С. 387-413.
Муриан И.Ф. Канон в художественной системе Боробудура. // Проблема канона в древнем и средневековом искусстве Азии и Африки. – Москва: Наука, 1973. С. 129-130.

[17] Проблема канона в древнем и средневекововм искусстве Азии и Африки. Введение. – Москва: Наука, 1973. С. 3-5.

[18] Азимова А. Традиционный музыкальный язык узбекского, каракалпакского и уйгурского народов. – Ташкент. 2008, С. 118-119.
Плахов Ю.П. Художественный канон в системе профессиональной восточной монодии. – Ташкент: Фан, 1988. С. 27-33.
Султанова Р.Р. Ритмика вокальных частей Шашмакома. – Ташкент: ЯНИ, 1998. С. 67.
Визго Т. Об одном эстетическом принципе средневекового Востока. // Профессиональная музыка устной традиции народов Ближнего, Среднего Востока и современность. Материалы Международного музыковедческого симпозиума. – Ташкент, Изд. литературы и искусства им. Г.Гуляма, 1981. С. 196.
Джани-заде Т.М. Личность и канон в Азербайджанских мугамах. Музыка народов Азии и Африки. Выпуск 5. – Москва: Сов.композитор, 1987. С. 101-103.

кўрсатилган таянч рукнлар (канон, модель, инвариант)га асосланиш ҳамда уларнинг негизида янги мазмун жилоларини кашф эта олиш вазифаси қарийб барча соҳа ижодкорлари олдига қўйилган асосий талаб эди. Шу ерда А.Ф.Лосевнинг қуйидаги фикрини иқтибос келтиришни ўринли деб билдик: “Бадиий канон шу асосда яратилажак асарнинг услубини белгиламасада, лекин унинг модификация кўринишидаги асоси бўлиб хизмат қилади”[19]. Бу мураккаб вазифа ҳар бир бадиий ижодиёт соҳасининг хусусиятига кўра ўзгача кўринишларда ечимини топган.

Бинобарин, ўхшашлик эстетикаси бадиий адабиётда назира сўзида муайян ифодаланиб, бунда кенг маънода устоз мақомига юксалган ижодкор асарига ўзига хос ўхшатма (ёки жавоб) тариқасида яратилган асар англашилган. Назира асосида иш тутганлар айни пайтда намуна сифатида олинган асарга ижодий ёндошиб, танланган мавзуни бойитиш ва ривожлантириш, зарур ҳолларда эса янги муаммо ва ғояларни кўрсатиш йўлидан борганлар ва шу зайлда ўз истеъдодларини ҳам намойиш қилганлар.

Бадиий адабиёт мисолида кўрилаётган намуна-назира услубини тасвирий ва амалий безак санъатларида ҳам англаш мумкин[20]. Жумладан, Камолиддин Беҳзод ва унинг издошлари томонидан XV – XVII асрларда яратилган китобий мўъжаз тасвирларда адабий мавзулар, композицион қолиплар ҳамда бошқа шаклий стереотиплар такрорланса-да, лекин улар ҳар гал янги бўёқлар ва рангин жилолар эвазига қайта “жонланиши” кузатилади. Шунингдек, мутахассислар амалий безак жабҳасида устоздан шогирдга мерос ўтиб келаётган аниқ ўлчовли нақш андозалари ҳам усталарнинг ижодий парвозига узвий боғланишини ва бунда, бадиий анъаналар ижодий маҳорат билан бирлашгандагина мукаммал асарлар вужудга келишини та-кидлайдилар.

Бадиий адабиёт, тасвирий ва амалий безак санъатларида қайд этилган назира ижодий услуби ўрта асрлар Шарқ мусиқасида ҳам катта аҳамият касб этиб келди. Бу фикрга ўша даврга оид мусиқий рисолалар ва бошқа ёзма манбалардан, шунингдек, XX аср давомида бажарилган мусиқашунослик ишлари ҳамда замондош олимларнинг илмий изланишларидан кўплаб бевосита ва билвосита далилларни келтириш мумкин. Қолаверса, анъанавий давом этаётган бастакорлик ва ижрочилик соҳалари ҳам бу борада қатор фазилатлари билан эътиборлидир. Жамланган турли манба ва далил-омиллар назира эстетикасининг мусиқадаги муайян услубий кўринишларини уч

---

[19] Лосев А.Ф. О понятии художественного канона. // Проблемы канона в древнем и средневековом искусстве Азии и Африки. – Москва: Наука, 1973. С. 11.

[20] Гияси Дж.А., Байрамов Р.М. Домусульманские сооружения г. Шиз и средневековая архитектура Азербайджана (вопросы традиции и преемственности). // Борбад и художественные традиции народов Центральной Азии: история и современность. –Душанбе: Дониш, 1990. С. 256.

Маньковская Л.Ю. Мемориальное зодчество Средней Азии. // Художественная культура Средней Азии IX – XII века. – Ташкент: Изд. литературы и искусства им. Г.Гуляма, 1983. С. 31.

Пугаченкова Г.А. Хорасанские мавзолеи. // Художественная культура Средней Азии. IX – XII века. – Ташкент: Изд. литературы и искусства им. Г.Гуляма, 1983. С. 14.

Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Мавераннахра. // Художественная культура Средней Азии. IX – XII века. – Ташкент: Изд. Литературы и искусства им. Г.Гуляма, 1983. С. 68.

жабҳада – мусиқа илми, ижодиёти ва ижрочилигида алоҳида кўриб чиқишга асос беради.

Шарқ алломаларининг мусиқага оид рисолалари яратилишида, шунингдек мақом тизимларининг (Ўн икки мақом, Шашмақом, Хоразм мақомлари) назарий қиёсида назира анъаналарининг муҳим ўрни аниқланди.

Ўрта асрлар Шарқ мусиқа илмиданазира тушунчаситурли даража ва шаклларда намоён бўлишини кўрамиз. Бу ўринда энг аввало "назира" сўзининг ўтмишда ёзилган мусиқий рисолаларда қайд этилиши диққатга сазовордир. Жумладан, рисолаларнинг муаллифлари икки товуш қиёсида энг уйғун (консонанс) нисбатни ташкил этган зул-кулл бўъди (октава интервали)ни тавсиф этарканлар, ундаги чўққи товушни асос-нағманинг назири (ўхшаши) дея баҳолайдилар[21].

Шу билан бирга ўрта асрларда ёзилган кўплаб мусиқий рисолаларнинг шаклу-шамойилида ҳам маълум ўхшашликларни кўриш мумкин. Бу ҳол кўплаб замондош мусиқашунос олимлар нигоҳидан четда қолмаган[22]. Ўтмишга оид мусиқа рисолалари тарихий давр нуқтаи назаридан аввалроқ ёзилган рисола (ёки рисолалар) асосида маълум ўзгаришлар билан яратилганлиги аён бўлади. Бунда рисола муаллифи устоз-салафларга эргашган ҳолда иш тутганлигининг гувоҳи бўламиз.

Маълумки, халқ мусиқа ижодиётининг узвийлиги муқим-номуқим, барқарор-беқарор, инвариант-вариант каби қонуният кучига эга диалектик жуфтликлар бирлигига таянади.[23] Уларнинг серқирра маънолари доирасида эса асл-ўхшатма нисбатини ҳам англаш мумкин. Масалан, мусиқашуносликда "инвариант" тушунчаси замирида муқим анъаналар, куй моделлари (формулалари), ритм ва оҳанг андозалари (формулалар), шаклий ва бошқа стереотип унсурлар тушунилади. "Вариант" сўзининг мазмунида эса ана шу бирламчи асосларнинг ижодий жараёнда маълум ўзгаришлари англашилади. Бу ўринда "вариант" тушунчасининг мусиқий моҳиятини назира ижодий услубининг мусиқа "матни"даги муайян ифодаси сифатида қабул қилиш мумкин. Мусиқашунос олим А.Назаров "вариант" сўзини ўзбек тилига "назира" деб таржима қилиши ҳам шу асосга бориб тақалади.[24]

---

[21]Джами А. Трактат о музыке. пер. с перс. А.Н.Болдырева, ред. и комментарии В.М.Беляева. –Ташкент: АН Узбекской ССР, 1960. С. 23.

[22]Гафурбеков Т. Фольклорные истоки узбекского профессионального музыкального творчества. –Ташкент: Ўқитувчи, 1984. С.13-17.

Матёкубов О., Болтаев Р., Аминов Ҳ. Ўзбек нотаси. – Тошкент, 2009. Б. 13.

Орипов З. Шарқ мусиқий манбашунослиги (X – XI асрлар). – Тошкент: Fan va texnologiya, 2008. 3-4 б.

Ражабов И. Мақомлар (нашрга тайёрловчи ва махсус муҳаррир О.Иброҳимов). – Тошкент: Санъат, 2006. Б. 14-31.

Джумаева Н.Т. Наука о музыке в трудах среднеазиатских ученых в XI – XV вв. // Проблемы музыкальной науки Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1973. С. 151.

[23]Азимова А. Традиционный музыкальный язык узбекского, каракалпакского и уйгурского народов. – Ташкент, 2008. С. 147.

Иброҳимов О. Ўзбек халқ мусиқаси. – Тошкент: Ибн Сино, 1994. I жилд. Б. 14-15.

Давыдова Т.Ю. Инвариант классической симфонии и его национальные "варианты" в музыке XX века. Диссертация на соискание ученой степени кандидата искусствоведения. – Ташкент, 2004. Биб-ка Института искусствознания. Инв. № 1009. С. 25-26.

[24] Назаров А. Форобий ва Ибн Сино мусиқий ритмика хусусида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. Б. 15.

Бинобарин, “намуна-назира” жуфтлигининг мазмун моҳияти халқ мусиқасида кенг ўрин тутган “инвариант-вариант” бирлигига мос келади. Шу боисдан халқ ижоди намуналарининг таҳлилида “инвариант-вариант” тушунчаси қўлланди.

Шуни таъкидлаш керакки, халқ мусиқа ижодида инвариант тушунчаси узоқ асрлар давомида муқимлашган оҳанг андозалари (формула, стереотип, модель) тимсолида ўзининг ёрқин ифодасини топади[25]. Академик Б.В.Асафьев оғзаки анъана билан шартланган мусиқа намуналарида албатта куй-оҳанг андозалари қарор топишини ва шу асосда янги асарлар ижод қилинишини таъкидлаб ўтган эди[26]. Олимнинг тавсифига кўра, бу каби оҳанг тузилмалари “оғзаки анъана” шароитида ижтимоий хотирага жо бўлган ҳар бир “давр оҳангининг луғат бойликлари”дир[27].

Халқ ижоди намуналарида “инвариант-вариант” бирилиги маълум оҳанг андозаларининг ўзига хос (намуна-ўхшатма) кўринишларида, уни турлича вариант тусланишларида намоён бўлиши таҳлиллар орқали очиб берилди.

Халқ мусиқасида кузатилгани каби касбий мусиқий ижодкорлигида ҳам куй андозалари мавжуд бўлиб, улар бастакорликда муҳим ижод манбаларидир. Аммо бастакорлар, халқ ижодиётидан фарқли ўлароқ, куй андозаларини янги қўшилмалар ва муҳим тўлдиришлар билан бойитганлар, ҳамда мумтоз шакл қолиплари асосида ривожлантиришлари натижасида уларнинг беқиёс (беназир) кўринишларини юзага келтирганлар.

Мутахассислар (Т.С.Визго, И.Ражабов) ўтмишга оид (ўрта асрларда) ёзилган мусиқа рисолаларида тавсиф этилган Ўн икки мақомни бастакорлик ижодиёти учун ҳам муҳим манба бўлганлигини эътироф қиладилар. Шунга кўра, ҳар бир ижодкор рисолаларда назарий ишланмалар асосида тасниф этилган мукаммал парда (мақом), оҳанг (шўъба) ва ритм-усуллари андозаларидан фойдаланган ҳолда ўз исътедодини намоён этиш ва шу аснода юксак намуналарга ўхшаш асарларни яратиш имконига эга бўлган[28].

Ўн икки мақом тизими (XIII – XVII асрлар) парда-оҳанг асослари Шашмақом шаклланиши даврида (XVIII аср) ижодий назира учун намуналар вазифасини бажарган эди.

Мумтоз мусиқанинг бошқа кўринишлари бўлган – Хоразм ва Фарғона - Тошкент мақомлари эса Шашмақомчолғу куй ва ашулаларининг назиралари тарзида юзага келганлиги ҳақида хулосага келинди.

Назира анъаналарининг ижрочилик санъатида намоён бўлиш шарт-шароитлари, устоз-шогирд тизимида назира анъанаси бирламчи омиллардан эканлиги муайян мисоллар воситасида далилланди.

Назира эстетикаси ижрочилик санъатида турли даражаларда идрок этилади. Эргашиш, тақлид қилиш, ўхшатиш, издош бўлиш каби тамойиллар энг аввало “устоз-шогирд” таълим тизимида устувордир. Бу борада мазкур

---

[25] Земцовский И.Русская народная песня. –Москва: Музыка, 1964. С. 16-17.
Иброҳимов О. Ўзбек халқ мусиқаси. – Тошкент: Ибн Сино, 1994. Б. 14-15.
[26] Асафьев Б. Музыкальная форма как процесс. – Ленинград: Музыка, 1971. С. 265.
[27] Шахназарова Н. Интонационный“словарь” и проблема народности. – Москва: Музыка, 1966. С. 23-25.
[28]Ражабов И. Мақомлар (нашрга тайёрловчи ва махсус муҳаррир О.Иброҳимов). – Тошкент: Санъат, 2006. Б. 26, 31.

таълим жараёни эътиборни ўзига тортди. Чунки унинг асос устунларида ҳам назира моҳиятини англаш мумкин. Бунда “намуна-ўхшатма”га хос жуфтликининг ўзгача лойиҳасини “устоз-шогирд” нисбатида кузатиш мумкин. Зеро, маълумки, Шарқда устоз мақоми ва унинг касбий маҳорати юксак санъат тимсоли сифатида ҳам эътироф қилинади. Бинобарин, устоз гўзал инсоний ва касбий фазилатлар соҳибидир.

Ижрочилик санъатидаги назира услубини айрим мумтоз жанрларда ҳам кузатиш мумкин. Бунга, масалан, катта ашула ва сувора ижрочилигида юзага келган ўзига хос анъаналар ёрқин мисол бўла олади. Жумладан, катта ашула яккахон, икки ва ундан зиёд ҳамнафас ҳофизлар томонидан ижро этилиши маълум. Кенг тингловчилар оммаси олдида ижро этилган икки ва ундан зиёд ҳамнафасларнинг ўзаро айтишувларида эса намуна ва ўхшатма санъатинининг ўзгача кўринишларини англаш мумкин.

Бу ўринда назирага маънодош пайров атамасини қўллаш ўринли кўринди. Ўзбек маданиятида бу тушунча кўпинча аскиячиларнинг “чиқишларига” боғлиқ ишлатилиши одатий бўлиб қолган. Шундан келиб чиққан ҳолда, “пайров” атамаси гўё аския, ҳазил-мутойиба, сўз топқирлиги, ҳозиржавоблик каби тушунчаларнинг синонимидек ҳам қабул қилинади. Аслида эса, назирага маънодош бу форсча сўз “эргашувчи, изидан борувчи маъноларини англатади”[29]. Аскиячиларга нисбатан ишлатилганда эса “аскиячилар бирин-кетин давом эттирадиган маълум мавзу; аскиянинг ижро услуби” тушунилади[30]. Ҳамнафас катта ашулачиларнинг чиқишларида ҳам маълум мавзу (тема)га таяниш ҳамда навбатма-навбат ижро этиш услуби устувордир. Қолаверса, Фарғона-Тошкент маданиятига хос бу ҳар иккала жанр анъанавий тарзда (аския ва катта ашула)кенг тингловчилар оммаси иштирок этган майдонйиғин (мажлис)ларида кетма-кет ижро этилиб келинган.Муайян мавзу асосида бирин-кетин ижро этиш услубини назарда тутган ҳолда “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” муаллифлари ҳам “пайров” сўзининг шарҳига “ашула пайрови” иборасини ўринли мисол келтирганлар[31].

Маълумки, Тошкент ва Фарғона водийсида ёввойи мақом ва катта ашула намуналари яккахон ижрочилиги билан бирга икки, баъзан эса уч ва тўрт ҳофиз томонидан ижро этилади. Бунда пайровлик ижро услубига хос қирралар асосан ҳамнафас ижрочилар иштирокида ёрқин намоён бўлади. Катта ашула ва ёввойи мақом ижрочилигида кузатилган ижрочилик тартибда “устоз-шогирд” анъанасининг ўзига хос инъикосини кўриш мумкин.

Шундай қилиб илмий назира моҳиятини мусиқада икки товуш нисбатидан тортиб то ўтмишда ёзилган рисолаларнинг тузилиш композициясида, шунингдек, Ўн икки мақом ва Шашмақом, Шашмақом ва Хоразм мақомлари қиёсий нисбатларида ҳам англаш мумкин.

---

[29] Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. Б. 498.

[30] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти, 2007. Учинчи жилд. Б. 203.

[31] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти, 2007. Учинчи жилд. Б. 203.

Диссертациянинг **“Мақом туркумларида Ушшоқ ижодий назиралари”** номли иккинчи бобида “ушшоқ” сўзининг маъноси, шунингдек Ўн икки мақом тизими таркибида келган Ушшоқ пардаси, ҳамда шунга доир ўрта асрларда ёзилган мусиқа рисолалардаги маълумотлар берилади.

Ушшоқ (араб. “ошиқлар”, бирлиги “ошиқ”) номли мусиқа намуналари қадимдан Шарқ халқлари орасида алоҳида эъзозланиб келинади. Бунинг сабабларидан бирини унинг келиб чиқиш тарихида кўриш мумкин. Жумладан, Дарвеш Али Чангийнинг “Рисолаи мусиқий”сида келтирилган ривоятга кўра, Ушшоқ – қадимда мавжуд Етти мақомнинг бири сифатида тилга олиниб, Нуҳ алайҳиссаломнинг йиғиси асосида юзага келганлиги баён қилинади[32].

Ўрта асрларга оид мусиқий рисолалар, мумтоз адабиёт ва уларга ишланган мўъжаз тасвирлар (миниатюра) устида замондош мусиқашунослар олиб борган тадқиқот натижалари асосида Ушшоқ намуналарининг ўтмишдаги ижро шакллари ҳақида ҳам умумий тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Тарих кесимида мухтасар кўриб чиқилган “тарихий лавҳалар” “Ушшоқ” номли мусиқа намуналарининг Шарқ халқлари ўтмишидаги маънавий ҳаётида тутган муҳим ўрнини кўрсатади. Бугунги кунда ҳам мазкур номли асарлар кўпгина мусулмон халқлари мусиқа санъатида учрайди.

“Ушшоқ”ларнинг парда-оҳанг асослари масаласи Шерозийнинг рисоласида қайд этилган кварта ва квинта доираларидаги (зул-арбаъ ва зул-хамс) “Ушшоқ”лар аслида бир негизли куй тузилмасининг амалиётда учрайдиган икки асосий кўринишининг товушқаторлардаги ифодаси эканлиги, октава ҳажмидаги шу номли (Ушшоқи жамъ) зул-кулл эса куй ривожига асос бўлган мукаммал пардалар уюшмасини англатиши ҳақида дастлабки хулосалар муайян мисоллар таҳлили билан далилланади.

Шуни таъкидлаш керакки, мусиқа илмида “Ушшоқ” ибораси энг аввало муайян лад тузилмасини англатади. Ўн икки мақом тизимида эса биринчи доира сифатида зикр этилган Ушшоқнинг товушлар таркиби соль-миксолидийга мувофиқдир.

“Ушшоқ” сўзининг мусиқа истилоҳидаги яна бир муҳим маъноси куй, оҳанг тушунчасига дахлдордир. Бунда маълум куй-оҳангининг “Ушшоқ” пардалари негизида юзага келиши ва ривожланиши назарда тутилади.

“Ушшоқ”нинг куй асоси бўлган оҳанг инвариантини аниқлаш асосий вазифалардан бўлиб, бунинг учун шу номда (Ушшоқ) маълум бир неча намуналарнинг куй негизи ўзаро қиёсланди. Қиёсий таҳлиллар асосида ойдинлашган оҳанг андозаси ҳамда кварта доирасида хос ифодаланиши мақом шўъбалари ва мақом услубидаги Ушшоқларда турфа вариантларда келиши аён бўлди.

Ўзбек мусиқасининг бебаҳо дурдонаси бўлган Шашмақом туркумида назира анъаналари сержиҳат намоён бўлади. Шашмақом таркибидаги Рост туркуми мисолида назира қонуниятларининг турли даражалардаги кўриниши

[32] Семёнов А. Среднеазиатский трактат по музыке Дервиша Али (XVII века). – Ташкент, 1946. С. 8.

ўрганилган. Буни англаш учун дастлаб ушбу тизимда бадиий қонун (канон) кучига эга бўлган муқим инвариант омиллар аниқланди.

Шашмақомда ана шундай меъёрий инвариант-асослар тимсолида парда-лад, куй-оҳанг модели, усул, ривожланиш тамойиллари ва шакл қолиплари келиши маълум бўлди.

Ушшоқ номли куй (Мухаммаси Ушшоқ) ва ашулалар (Талқини Ушшоқ, Насри Ушшоқ, Уфари Ушшоқ ва б.)нинг Шашмақом Рост туркумига мантиқий боғланишида ижодкорликнинг назирачилик анъанаси аҳамиятли бўлган. Айни пайтда бу ҳол Рост мақомининг ички туркумланиш қонуниятларини ҳам атрофлича англашда муҳим ўрин тутади.

Рост мақомининг шўъбалараро назиралари юзага келишида Сарахбори Ростнинг лад асоси, шакл ва усул андозалари ҳамда намуд-авжлари кейинги шўъбалар учун намуна-инвариант вазифасини ўтаганлиги мусиқий таҳлиллардан маълум бўлади. Сарахбори Ростнинг авж пардаларида келган Сегоҳ, Ушшоқ, Уззол, Мухайяри Чоргоҳ намудлари бошқа шўъбаларда янгича сифатларни пайдо қилади. Сарахбор ва унга назира қилинган шўъбалар нисбатида туркумнинг янги тартиби юзага келади.

Фарғона – Тошкент мақом йўлларининг (хусусан, Гулёр-Шаҳноз) туркумланишида ҳам назира анъаналарини кузатиш мумкин. Гулёр-Шаҳноз йўллари босқичма-босқич (даромад, миёнхат, дунаср, авж, фуровард) ривожланиш тамойилига асосланади. Бундай йўсиндаги ривожланиш ҳам маълум маънода, Шашмақом айтим йўлларига назирадир. Шашмақом, Хоразм мақомлари ва Фарғона - Тошкент мақом йўллари ўртасидаги ўхшашлик қирраларидан (унсурлари, томонлари) бири уларнинг туркум шаклида ривожланишидир.

Гулёр-Шаҳнознинг туркумланишида Шашмақом ашула йўлларининг шаклланиш тамойили билан айрим ўхшашлик томонлари мавжуд. Яъни туркумланишда ҳам ўзига хос назира қирралари намоён бўлади.

Усул омили ҳам эътиборлидир. Маълумки, Шашмақом чолғу қисмларида усуллар оддийдан мураккабга томон ривожланиши кузатилади. Гулёр-Шаҳноз туркумида ҳам шу тамойил намоён бўлади.

Гулёр-Шаҳнозни Шашмақом билан боғловчи яна бир жиҳати бу Ушшоқ намудидир. Гулёр, Шаҳноз, Чапандози Гулёр, Ушшоқ, Қашқарчаи Ушшоқларнинг авжларда Ушшоқ намуди ривожлантирилади.

“Сурнай Ушшоғи” таҳлили натижасида назиранинг янгича қирралари аниқланди. Ушшоқларга хос миксолидий товушқатор, Ушшоқ андозаси каби умумий омиллар сақланган ҳолда, ашула йўллари шакл-шамойилининг чолғу куйларида намоён бўлиши ўзига хос янгича қирра сифатида кўринади.

